Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

2016 ЙИЛ 5 ИЮЛЬ, СЕШАНБА

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 135 (13.198)

Баҳоси эркин нархда

МУСТАҚИЛ ВАТАНИМИЗ ВА ЁРУҒ КЕЛАЖАГИМИЗ ТИМСОЛИ

Маълумки, куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил" эсдалик нишонини таъсис этиш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.



Халқимиз томонидан катта хурсандчилик ва мамнуният билан кутиб олинган мазкур нишон билан мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, илмий, маънавий салоҳиятини ҳамда мудофаа қудратини юксалтириш, давлатимиз сарҳадларининг дахлсизлигини таъминлаш, демократик ислоҳотларни амалга ошириш, жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлараро дўстлик ва тотувликни, тинчлик ҳамда барқарорликни асраш, миллий маданиятимиз ва санъатимизни ривожлантириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларимизни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг барча соҳалари вакиллари, меҳнат фахрийлари, ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ҳамда бошқа шахслар тақдирланиши белгилаб қўйилган.

Биз бундан 25 йил олдин ўз миллий тараққиётимизнинг асосий шарти ва мезони бўлган истиқлолга эришиб, аввало миллий давлатчилигимизни тиклаганимиз, жаҳондаги мустақил ҳамда суверен давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаганимиз, чуқур ўйланган, миллий манфаатларимизга тўла жавоб берадиган ислоҳотларга асосланган, бутун дунёда "ўзбек модели" деган ном билан тан олинган тараққиёт стратегиясини амалга ошираётганимиз, эл-юртимизнинг қадди ва қадри баланд бўлиб, куч-қудратимиз янада ошиб, мамлакатимиз аҳолисининг турмуш даражаси ҳамда сифати юксалиб бораётгани эсдалик нишонида ўзининг чуқур ифодасини топганини таъкидлаш лозим.

Айниқса, кўпни кўрган, меҳнаткаш ва олижаноб халқимиз бугунги кунда фидокорона меҳнати, беқиёс азму шижоати ҳисобидан улкан ютуқ ҳамда марраларга эришаётгани, барча соҳа ва тармоқлар бўйича Ватанимизнинг қудрати ҳамда салоҳияти тобора юксалиб бораётгани ва табиийки, бунинг натижасида эл-юртимиз ҳар томонлама эркин ҳамда озод, обод ва фаровон ҳаёт кечираётганини нишондаги тасвирлар мисолида яна бир бор кўрамиз ва ҳис этамиз.

Таъкидлаш керакки, эсдалик нишони марказида акс эттирилган Бахтиёр она ҳамда унинг фарзанди қиёфаси халқимизнинг асрлар давомида шаклланган ҳаёт тарзи, урф-одат ва анъаналари, олижаноб орзу-интилишлари, давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларини, қисқача айтганда, мустақиллик йилларида биз ўз олдимизга қўйган олий мақсад-муддаоларни ёрқин ифода этиши билан алоҳида эътиборни тортади.

Ҳақиқатан ҳам, мустақиллик бизга ўз оиламиз, оналаримиз, фарзандларимиз, халқимиз ҳамда Ватанимиз учун яшаш ва меҳнат қилиш, шу йўлда бугунги юксак марраларни эгаллаш имконини берди.

Энг муҳими, истиқлол йилларида шаклланган янги, навқирон авлодимиз ҳозирги кунда ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқмоқда. Биз кенг кўламли ислоҳотларимиз йўлида эришаётган янги-янги марраларни аёлларимиз, оналаримиз ҳамда болаларимизнинг бахту саодати учун бахшида этмоқдамиз ва айни шундай буюк мақсад йўлида меҳнат қилиш – энг олий саодатдир. Соғлом ҳамда баркамол авлодни тарбиялаш йўлида хизмат қилиш – улкан шарафдир.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ





ШАҲРИМИЗ ЯНАДА ГЎЗАЛ ВА ОБОД БЎЛСИН!

ПОЙТАХТ АҲОЛИСИГА МУРОЖААТ











Ҳурматли ҳамшаҳарлар!

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, азим шаҳримизда энг улуғ, энг азиз айёмга катта тайёргарлик кўриляпти. Юртбошимиз раҳнамолигида кенг бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда.

"Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" деган буюк байрамимиз бош ғояси ҳар биримизни фидойилик қилишга ундайди.

Ўзимиз яшаб турган мўътабар юртнинг қадрига етиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи ҳисобланади. Она заминга муҳаббат эса уни обод қилиш орқали намоён бўлади. **Обод жойда – барака бўлади, унум бўлади.** Шундай экан, маҳалла ҳудудидаги тозаликни таъминлаш, санитария ҳолатини яхшилаш, боғлар яратиш, дам олиш майдончаларини ташкил этиш орқали "Тўйга тўёна билан" деганларидек, истиқлолимизнинг 25 йиллигига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшайлик. Ҳар бир туманда **25 та кўчани** ободонлаштириш ва **25 та болалар ўйингоҳини** бунёд этиш бўйича олиб борилаётган ишларга ёрдам берайлик.

Бебаҳо тинчлик ва осойишталикни кўз қорачиғидек асраш, халқ фаровонлигини ошириш, диний бағрикенглик ҳамда миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш ҳар биримизнинг эзгу мақсадимиздир.

Кўпни кўрган, меҳнаткаш ва олижаноб халқимизнинг мардлиги ва матонати эвазига эришилаётган юксак марра ва натижалар Ватанимизнинг обрўсини янада юксалтириб, кўпчилик мамлакатларни қойил қолдираётганлиги ва уларнинг ҳавасини уйғотаётганлигидан ғурурланамиз.

Мана шундай оламшумул ютуқларга ўз-ўзидан осонликча эришилгани йўқ. Ўз навбатида барчамиз **"Ким эдигу бугун ким бўлдик? Эртага қандай марраларни эгаллашимиз керак"** деган теран фикрни дилдан ҳис этишимиз лозим.

Инсон учун она Ватанидан азизроқ макон йўқ бу дунёда. Чунки Ер юзида Ўзбекистонимиз – яккаю ягона. Бундан чексиз фахрланамиз.

Азизлар!

Пойтахтимизда мустақиллик байрами арафасида **50 ободлик куни** эълон қилинди. Ҳудудларни тоза-озода қилиш ва маҳаллаларимиз ободлигини таъминлаш инсоний бурчимиздир.

Ана шу хайрли ишларга ўз ҳиссамизни қўшайлик, пойтахтимизни бундан-да гўзал ва обод шаҳарга айлантирайлик.

Тошкент шаҳар
Маънавият ва маърифат Кенгаши

ХХ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқандда "Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида ташкил этилган тадбирда танловнинг туман ва шаҳар босқичларида муваффақият қозонган 16 маслаҳатчи иштирок этди.

● Андижон вилоятидаги ҳарбий шаҳарчалардан бирида ҳарбий хизматчилар учун қурилган янги уй фойдаланишга топширилди. "Адолат қурилиш сервис" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан барпо этилган 16 хонадондан иборат 2 қаватли уйнинг ҳарбий хизматчилар оилаларига топширилиши энг улуғ, энг азиз байрамимиз шодиёналари арафасида улар учун ҳақиқий байрам туҳфаси бўлди.

● Зангиота туманида "Одам савдосига қарши курашиш ҳамда аёллар ўртасида ноқонуний меҳнат миграциясининг олдини олиш – соғлом авлод ва адолатли жамият тараққиёти кафолати" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

● Наманганда "Ижро интизоми" идоралараро мониторинг ва оператив назорат-ахборот ҳамда "Идоралараро электрон ҳамкорлик" тизимларини жорий этиш, уларда ишлаш ва электрон рақамли имзо калитларини тарқатиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Қашқадарё вилоятининг Ғузор тумани Қоракамар қишлоғидаги "Пачкамар" маданият ва аҳоли дам олиш маркази реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Замонавий қиёфа касб этган маданият марказида 575 миллион сўмлик реконструкция ишлари амалга оширилди. 150 ўринли концерт залида яратилган шароитлар шаҳардагидан асло қолишмайди.

ЖАҲОНДА

● АҚШнинг NASA космик тадқиқотлар маркази томонидан 2011 йил 5 августда учирилган JUNO космик зонди Юпитер сайёрасига жуда яқинлашиб қолди. Зонд ушбу сайёра атрофида фан учун жуда қимматли тадқиқот ишларини амалга оширади.

● Иркутск областида ҳалокатга учраган "ИЛ-76" самолётининг "қора қутилари"ни ўрганиш натижасида самолётнинг барча техник тизимлари соз ҳолатда бўлганлиги аниқланди.

● Владивосток портида катта миқдордаги нефть маҳсулотларининг тўкилиши натижасида кўрилган зарар 25 миллион доллардан ошиб кетди.

● Экологлар 2000 йили ўзининг энг юқори даражасига етган Антарктика устидаги озон қатламидаги туйнук қайта тиклана бошланганини маълум қилишди. Олимларнинг кузатувига қараганда, туйнукнинг умумий ҳажми 4 миллион квадрат километрга қисқарган. Маълумки, қутб кенгликларида озон қатлами 10-15 километр баландликда жойлашади ва у ердаги ҳаётни ультрабинафша нурларидан ҳимоя қилиб туради.

ҲАР БИРИМИЗ МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШАЙЛИК

Мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрами арафасида пойтахтимизда ҳам кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида ташкил этилган матбуот анжуманида шулар ҳақида сўз борди.

Байрам арафасида Тошкент шаҳар Маънавият ва маърифат кенгашининг пойтахт аҳолисига мурожаати қабул қилинди. Унда истиқлол берган имкониятлар, эришилган ютуқлар ҳамда пойтахтимизда мустақиллигимизнинг 25 йиллигини муносиб нишонлаш юзасидан кенг жамоатчилик иштирокида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз юритилган.

Мурожаатда тинчлик ва осойишталикни кўз қорачиғидек асраш, халқ фаровонлигини ошириш, диний бағрикенглик ҳамда миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш ҳар биримизнинг эзгу мақсадимиз эканига алоҳида эътибор қаратилган. Айни пайтда меҳнаткаш ва олижаноб халқимизнинг мардлиги ва матонати эвазига эришилаётган юксак марра ва натижалар Ватанимизнинг обрўсини янада юксалтириб, кўпчилик мамлакатлар ҳавасини уйғотмоқда.

Тадбирда Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари пойтахтимизнинг янада обод, гўзал ҳамда замонавий тус олишига хизмат қилиши таъкидланди. Журналистлар саволларига жавоб қайтарилди.

ШҲТ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАР НИГОҲИДА

“Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ташкил этилганидан буён ўтган 15 йил давомида ҳақли равишда нуфузли халқаро ташкилотлар қаторидан муносиб жой олди, барқарор тараққиёт, тинчликни мустаҳкамлаш, замонавий таҳдид ва хатарларга қарши курашиш, минтақавий ва глобал даражада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг таъсирчан омилига айланди”.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида сўзлаган нутқидан, 2016 йил, июнь.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти давлат раҳбарларининг учрашувлари нафақат минтақа, балки умумжаҳон миқёсида ҳам борган сари муҳим аҳамиятга эга бўлган воқеа сифатида талқин этилмоқда. Бу, шубҳасиз, мазкур тузилманинг салоҳияти ҳамда обрў-эътибори тобора ошиб бораётганидан далолат беради. Тез ўзгарувчан умумбашарий вазиятда, янги таҳдид ва хавф-хатарлар юзага келаётган бир шароитда олий даражадаги мунтазам мулоқот хавфсизликнинг ўта муҳим муаммолари ҳамда халқаро ривожланиш бўйича ШҲТ мамлакатларининг нуқтаи назарларини мувофиқлаштиришга кўмаклашаяпти.

Яқинда Тошкентда ниҳоясига етган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг ўн бешинчи, юбилей саммити ҳам бундан мустасно бўлмади. Унда ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари билан бирга, кузатувчи мамлакатларнинг етакчилари, ШҲТга раислик қилаётган томон меҳмони — Туркманистон Президенти, шунингдек, ШҲТ Бош котиби ва Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори қатнашди. Шунингдек, саммитда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ўринбосари, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижрочи котиби, АСЕАН ҳамда Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти бош котиблари, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг ижрочи директори ҳам иштирок этди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг Тошкент мажлиси юқори даражада ўтгани, унинг якунлари бўйича қабул қилинган қарорларнинг аҳамияти ҳамда мазкур саммит йилнинг энг муҳим сиёсий воқеаларидан бирига айлангани халқаро экспертлар ҳамжамияти томонидан ҳам ўз эътирофини топмоқда.

Хусусан, **Ўрта Ер денгизи ва Осиё мамлакатларини ўрганиш институти бош котиби (Италия) Антонио Локке**нинг фикрича, Ўзбекистоннинг ШҲТдаги раислиги ушбу ташкилотнинг халқаро майдондаги нуфузини сезиларли даражада оширди.

— Ўзбекистоннинг ташкилотга раислиги давридаги фаолияти минтақа сиёсий ўсишининг ҳамда иқтисодий тараққиётининг маркази сифатида бу мамлакатга бўлган қизиқишни кучайтирди, — дея баёнот берди италиялик олим. — ШҲТнинг 2025 йилгача ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича 2016 — 2020 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар режаси ташкилотнинг сиёсат, иқтисодиёт, маданият ва хавфсизлик соҳаларидаги ҳамкорлигини сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқишга замин ҳозирлади.

Шанхай халқаро тадқиқотлар академияси ҳузуридаги Марказий Осиё мамлакатларини ўрганиш маркази директори ўринбосари Цянь Сяоюннинг эътирофича, 2015-2016 йилларда ҳам Ўзбекистон ШҲТ ривожланишини илгари суриш мақсадида кенг кўламли ишларни ҳаётга татбиқ этди.

— ШҲТ фаолияти унга аъзо давлатларнинг биргаликда гуллаб-яшнаши учун янги имкониятларни очмоқда, — деди Ц. Сяоюнь. — Дарҳақиқат, ташкилотнинг масъулият ҳудуди ресурсларга ўта бой ҳамда улкан бозорга эга бўлган Европа ва Осиё қитъасини қамраб олган. Шу боисдан унинг савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш салоҳияти ниҳоятда каттадир. Ўзбекистоннинг ШҲТга раислиги давридаги саъй-ҳаракатлари тузилма ривожланишига жуда катта туртки берди.

Берлиндаги Каспий минтақасини ўрганиш маркази катта илмий ходими Матиас Дорнфельднинг айтишича, Ўзбекистоннинг ШҲТ доирасида кўп қиррали алоқаларни мустаҳкамлашга бўлган интилиши унинг раислигидаги устуворликларда ҳамда мамлакат раҳбариятининг тегишли ташқи сиёсий ташаббусларида ўз ифодасини топди.

— Ўзбекистон томонидан ШҲТнинг ҳар бир мамлакат манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда, очиқ ва тенг ҳуқуқли мулоқот учун минбар сифатидаги ўрни ҳамда аҳамиятини халқаро майдонда мустаҳкамлашга йўналтирилган саъй-ҳаракатлар алоҳида эътиборга сазовордир, — деди немис эксперти. — Ташкилот доирасидаги ҳамкорликни равнақ топтириш нуқтаи назаридан транспорт коммуникацияларини ривожлантириш, минтақа мамлакатларининг улкан транзит салоҳиятини тубдан кенгайтириш бўйича Ўзбекистон ташаббуслари ҳам диққатга молик.

Экспертнинг ишонч билдиришича, транспорт ва энергетика йўлакларини яратиш ҳисобидан Марказий Осиё Европа ҳамда Осиё ўртасида “кўприк” вазифасини ўташи мумкин.

— Шу жиҳатдан аёнки, бугунги кунда иқтисодиётини янада тараққий эттириш учун Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари олдида кенг истиқболлар очилмоқда, — деди М. Дорнфельд. — Бу, шубҳасиз, умумбашарий жараёнларда ҳам ижобий ифодасини топади.

Шанхай Ижтимоий фанлар академияси президенти Ван Чжан (ХХР) иштирокчилари доирасининг кенглиги, тадбирлар кўламининг катталиги, йил давомида амалга оширилган ишларнинг пухталиги ва имзоланган якуний ҳужжатлар нуқтаи назаридан, Ўзбекистоннинг ШҲТдаги раислиги ташкилот тарихида катта из қолдирганини таъкидлади.

— Турли таҳдид ва хавф-хатарлар сақланиб турган бир шароитда трансчегаравий уюшган, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган ҳамда иқтисодий жиноятчиликка қарши биргаликда кураш олиб бориш, чегара хавфсизлигини мустаҳкамлаш ШҲТнинг энг муҳим йўналиши бўлиб қолаётгани ушбу тузилма иштирокчилари учун ўта муҳимдир, — деди хитойлик эксперт. — Ўзбекистон пойтахтида имзоланган ШҲТнинг 2025 йилгача ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича 2016 — 2020 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар режасидан ташқари, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг янада ривожланишида “йўл харитаси” бўлиб қоладиган Тошкент декларацияси ва Ҳиндистон ҳамда Покистоннинг ШҲТга аъзо давлат мақомини олиш йўлидаги мажбуриятлари тўғрисидаги ҳужжатлар, ўз моҳиятига кўра, жуда муҳим ҳисобланади.

Осиё Стратегия ва етакчилик институти президенти ўринбосари Макс Сэй (Малайзия) Тошкент саммитида Ҳиндистон ва Покистоннинг ШҲТга аъзо давлат мақомини олиш йўлидаги мажбуриятлари тўғрисидаги меморандумлар имзоланганини тарихий аҳамиятга молик воқеа, деб баҳолади.

— Яқин истиқболда бу мамлакатларнинг ШҲТдаги мақоми ошиши ташкилот салоҳиятини янада юксалтиради, унинг халқаро майдондаги ўрни бундан-да мустаҳкамланишига, энг аввало, хавфсизлик ҳамда барқарор тараққиётдаги долзарб муаммоларнинг ҳал этилишига янги туртки беради. Бу билан ШҲТнинг умумбашарий хавфсизлик қурилишидаги роли ва аҳамияти беқиёс даражада ортади, — деди мутахассис.

Жавоҳарлаъл Неру номидаги университетнинг (Ҳиндистон) Осиё ички тадқиқотлари маркази директори Шарад Сони Ҳиндистон мажбуриятлари тўғрисидаги Меморандумнинг имзолангани мамлакатни ушбу нуфузли халқаро ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзолигига яқинлаштириши ҳамда бунда Ўзбекистоннинг хизмати катта эканлигини алоҳида таъкидлади.

— Умуман олганда, Ўзбекистоннинг ташкилотга раислиги, шубҳасиз, ШҲТ бутун тарихидаги энг яхши раислик ва у барча учун бениҳоя самарадор ҳамда муваффақиятли бўлди, — дея баёнот берди ҳиндистонлик эксперт.

Ш. Сонининг ишонч билан айтишига қараганда, Ҳиндистон иқтисодиёт соҳаси ва хавфсизлик жабҳасидаги ҳамкорлик жуғрофияси кенгайиши туфайли ҳам ШҲТга қўшилишдан фақат ютади. “Шанхай ҳамкорлик ташкилотидаги ҳамкорлик доирасида Ҳиндистон ҳамда Покистон нафақат икки томонлама аҳамиятга молик масалаларда, балки бутун Жанубий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлашда ҳам яқиндан ҳамда муваффақиятли иш олиб бориши мумкин”, деди у.

Покистонлик эксперт — **ХХР ва Марказий Осиёни ўрганиш бўйича Покистон маркази директори Азамат Ҳаёт Хон** билдирган фикрга қараганда, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти минбари Покистон учун ҳам катта қимматга эга. Чунки бугунги кунда ШҲТ минтақада сиёсий барқарорлик таъминланиши ҳамда ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларнинг янада чуқурлашишига кўмаклашмоқда.

— Марказий Осиёнинг энг муҳим мамлакати бўлган Ўзбекистон ШҲТда алоҳида ўрин тутади, — деди у. — Шу боис Исломобод Тошкент билан муносабатларни бундан-да ривожлантиришдан манфаатдордир. Покистон Ўзбекистон билан дўстона алоқаларни ғоят қадрлайди. Унинг раислиги даврида Жанубий Осиёнинг икки йирик давлати — Покистон ва Ҳиндистоннинг ШҲТга аъзо давлат мақомини олиш йўлидаги мажбуриятлари тўғрисидаги меморандумлар имзоланди.

Шуни айтиш ўринлики, ШҲТга аъзо давлатлар маданий-гуманитар йўналишларда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, маданий алмашувларни кенгайтириш, дўстлик ҳамда яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш зарурлигини теран англайдилар. Халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик алоқалар ва ШҲТнинг ҳар бир мамлакати эга бўлган салмоқли туризм салоҳиятини назарда тутганда, сайёҳлик соҳасида ҳам ажойиб имкониятлар очилаётир.

Малайзия Сайёҳлик бўйича кенгаши вице-президенти Моҳд Таиб Ваҳоб ШҲТ доирасида туризм жабҳасидаги алоқаларни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганини юқори баҳолади.

— Ўзбекистоннинг бу борадаги улкан салоҳияти ҳисобга олинган ҳолда, айнан Тошкентда ШҲТга аъзо давлатларнинг туризм соҳасидаги ҳамкорлигини ривожлантириш дастури қабул қилинди, — деди малайзиялик мутахассис. — Республиканинг сайёҳлик индустрияси бўйича имкониятлари нафақат Малайзияда, балки Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ассоциациясининг (АСЕАН) бошқа мамлакатларида ҳам алоҳида қизиқиш уйғотади. Шу боис ШҲТ ҳамда АСЕАН мамлакатларининг сайёҳлик субъектлари ўртасида ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама кўринишдаги алоқаларни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Малайзиялик мутахассис АСЕАН Бош котибининг Тошкент учрашувидаги иштироки сайёҳлик соҳасида икки ташкилот ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорликка замин яратажагига умид билдирди.

Ўз навбатида, **“Culture-cooperation International e.V” (Германия) ижтимоий-маданий ташкилоти директори Кэтлен Гёбель** ўзбек томони ташкилотга раислиги доирасида ШҲТ маконида маданий-гуманитар ҳамкорликни янада кенгайтиришга улкан эътибор қаратганини алоҳида қайд этди.

— Жорий йил 21-22 июнь кунлари Тошкентда ташкилотга аъзо давлатлар маданият вазирларининг навбатдаги мажлиси ўтказилгани бу соҳадаги ҳамкорликни жадаллаштириш йўлидаги муҳим амалий қадам бўлди, — деди немис эксперти. — Шуниси қувонарлики, ШҲТ Тошкент саммити чоғида ташкилотга аъзо давлатларнинг сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлигини ривожлантириш дастури қабул қилинди. Ўйлайманки, мазкур йўналишдаги ҳамкорликни чуқурлаштириш минтақада сайёҳлик инфратузилмасини янада равнақ топтиришга хизмат қилади.

— Ўзбекистон пойтахтида бўлиб ўтган учрашув — республиканинг мазкур муҳим халқаро тузилмадаги раислигини муносиб равишда якунлаган воқеадир, — деб ҳисоблайди **Куддус университети ҳузуридаги Осиё ва Африка институти профессори Владимир Месамед (Исроил)**. — Шубҳасиз, бу давр Ўзбекистоннинг кенг қамровли саъй-ҳаракатлари туфайли муҳим тадбирларга бой бўлди. ШҲТнинг ўсиб бораётган салоҳияти эса ушбу кенг минтақада бир-бирига яқин боғланган барқарорлик ҳамда изчил тараққиётнинг таъминланиши масалаларини муваффақиятли ҳал этишда муҳим омилга айланади.

“Жаҳон” АА.

МУСТАҚИЛ ВАТАНИМИЗ ВА ЁРУҒ КЕЛАЖАГИМИЗ ТИМСОЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу маънода, нишонда акс эттирилган Бахтиёр она ҳайкалини барча юртдошларимиз мустақил Ватанимиз, ёруғ келажагимиз тимсоли сифатида қабул қилади ва шундай нишонга эга бўлишни ўзи учун юксак шараф деб билади.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз босиб ўтган 25 йиллик тарихга назар ташлайдиган бўлсак, хотин-қизларга, муқаддас она зотига эътибор ҳамда ғамхўрлик кўрсатиш, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш масаласи Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг муҳим ҳамда устувор йўналишларидан бири бўлиб келаётгани ва бу йўлда дунё ҳамжамияти эътироф этаётган улкан натижалар қўлга киритилаётганини кўрамиз.

Мустақил юртимизда таъсис этилган биринчи орден ҳам “Соғлом авлод учун” деб номлангани ҳамда бу юксак мукофот ўтган давр мобайнида қанча-қанча юртдошларимизни фарзандларимизни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, етук ва баркамол инсонлар этиб тарбиялашдек улуғ мақсадлар йўлида улкан ишларга сафарбар этиб келаётгани ҳеч кимга сир эмас.

“Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил” эсдалик нишони шу борадаги орзу-интилиш ҳамда амалий ишларимизнинг узвий ва мантиқий давоми бўлиб, она тимсолида буюк Ватанимизни, унинг фарзанди тимсолида эса ёруғ келажагимизни кўрамиз.

Шу ўтган даврда амалга оширган улкан, том маънода тарихий ишларимизнинг туб моҳияти ҳамда аҳамиятини чин дилдан ҳис этиш, шу улуғвор ишларда менинг ҳам муносиб ҳиссам бор, деган дахлдорлик туйғуси билан яшаш барчамизга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Миллионлаб юртдошларимиз айни шу йўлда фидокорона меҳнат қилгани ҳамда бугунги кунда ҳам янги-янги марраларни кўзлаб ҳаракат қилаётгани Ватанимизнинг ёруғ келажагига бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлайди.

Бир сўз билан айтганда, “Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил” эсдалик нишони жаҳондаги ривожланган, демократик давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаш йўлида қатъият билан илгарилаб бораётган бугунги Ўзбекистоннинг рамзи сифатида минг-минглаб юртдошларимизнинг кўксида ярақлаб, уларни янги ютуқ ва марраларга илҳомлантирадиган юксак ишонч ва эътибор ифодаси бўлиб қолишига шубҳа йўқ.

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

БИТИРУВЧИЛАРГА ДИПЛОМ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институти битирувчиларига диплом топширишга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Давлат божхона қўмитаси раиси З.Дўсанов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов томонидан божхона органлари олдига қўйилаётган улкан вазифаларни бажариш соҳа ходимларининг билим ва малакасига боғлиқ эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси органлари учун кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ташкил этилган мазкур институт Марказий Осиёда ушбу соҳада мутахассислар тайёрлайдиган ягона ўқув муассасасидир. Замонавий моддий-техник базага эга мазкур институтда 2 факультет ва 11 кафедра, халқаро талаблар даражасида жиҳозланган компьютер хоналари ҳамда лабораториялар мавжуд. Ўқув жараёнида тингловчилар давлат таълим стандартлари асосида тасдиқланган ўқув режаларига мувофиқ иқтисодий, ҳуқуқий, гуманитар ва фундаментал фанлар ҳамда божхона назоратини ташкил этиш, ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан бошқариш, валюта назорати, тезкор-қидирув фаолияти, божхона статистикаси ва ахборот технологиялари каби фанларни ўзлаштиради.

– Мутахассислигимиз бўйича кўникмаларимизни мустаҳкамлаш мақсадида Давлат божхона қўмитаси марказий аппарати, ҳудудий божхона бошқармалари, божхона комплекслари ва постларида амалиётда бўлдик, – дейди институт битирувчиси Меҳрож Соҳибов. – Бизга берилган таълим, кўрсатилган юксак ғамхўрликни олдиндаги хизмат давомида муносиб оқлаш учун бор куч ва билимимизни ишга соламиз.

Тадбирда битирувчилар ва уларнинг ота-оналари ёшларга катта эътибори ва ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

(ЎзА)

МЕҲНАТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ КАФОЛАТЛАРИ

Маълумки, мамлакатимизда изчил давом этаётган ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисми фуқароларнинг меҳнат қилишга бўлган Конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш ҳисобланади. Фуқароларнинг ана шу белгилаб берилган меҳнат ҳуқуқини рўёбга чиқаришнинг яна бир муҳим йўналиши – ташқи меҳнат миграцияси соҳасидир.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қонунларига кўра, фуқароларни чет элларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳамда чет эллик фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасида меҳнат фаолиятини амалга ошириш жараёнининг ташкилий-ҳуқуқий таъминотини Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги амалга оширади. Зеро, қонуний асосда меҳнат қилиш чет элда ишловчилар ҳуқуқларини кафолатлашнинг муҳим шартидир.

Тошкент шаҳар Меҳнат бошқармасида журналистлар иштирокида бўлиб ўтган брифингда агентликнинг 5 ой давомида амалга оширган ишлари ҳақида сўз борди.

Меҳнат вазирининг ўринбосари Баҳодир Низомовнинг эътироф этишича, 2006 йил Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ҳамда Корея Республикаси меҳнат вазирлиги ўртасида Жанубий Кореяга бандликка рухсат бериш тизими бўйича ишчи юбориш тўғрисида Меморандум имзоланган бўлиб, у ҳар икки йилда узайтириб келинмоқда. Унинг доирасида 2007-2016 йиллар давомида корейс тили тестлари ташкиллаштирилиб, ундан муваффақиятли ўтган 25 минг 543 юртдошимиз Корея Республикасида ишга жойлаштирилди.

— Ҳозирги кунда ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида бир неча йўналишда иш олиб борилмоқда, — дейди Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги раҳбари Улуғбек Назаров. — Хусусан, Япония билан 2012 йил 28 майда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ҳамда Япониянинг таълим соҳасидаги ҳамкорлик бўйича халқаро ташкилоти (JITKO) ўртасида ўзаро Англашув меморандуми имзоланган. Бугунги кунга қадар япониялик шериклар билан бир қатор учрашув ва музокаралар ўтказилди, тегишли битимлар имзоланди. Шу кунларда махсус марказ ташкил қилиш режалаштирилган. Шунингдек, Ўзбекистон – Япония ахборот маркази ишга туширилмоқда.

Брифингда миграция соҳасида чет эл мамлакатлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида Россия, Чехия, Польша, Уммон Султонлиги ва бошқа давлатлар билан ҳамкорлик музокаралари олиб борилаётгани маълум қилинди.

З.ШАРИФЖОНОВ



Тошкентнинг Олой деҳқон бозорига нафақат юртдошларимиз, балки хорижлик меҳмонлар ҳам кўп киради. Мустақиллигимизнинг 25 йиллик тўйи арафасида кенг кўламли реконструкция ишлари олиб борилган бозорга кирган киши бугун уни танимай қолиши мумкин.

ОЛОЙ БОЗОРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАСИ



Темур Мамадаминов олган суратлар

Умумий майдони 4 гектарни ташкил этадиган бозорга кираверишдаги эски арка олиб ташланиб, атрофи анча кенгайтирилган, кўкаламзорлаштирилган. Янги қиёфа яратишда Шарқ ва Ғарб бинокорлиги анъаналаридан кенг фойдаланилган, миллий ҳунармандликка алоҳида урғу берилган.

Бугун Олой деҳқон бозори пойтахтимизнинг энг кўркам жойларидан бирига айланди. Аввалги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари расталари ўрнига 464 жойдан иборат янги павильон барпо этилди. Янги қурилган 80 метрли савдо мажмуаларида гўшт, тухум, сут ва балиқ маҳсулотлари ҳамда шарқона ширинликлар учун алоҳида жойлар ажратилган.

– Шундай замонавий ва қулай бозор қурилганидан хурсандмиз, – дейди бозорда анча йиллардан бери савдо қилиб келаётган Жума Эшниёзов. – Буларнинг барчаси мустақиллигимиз шарофати, Юртбошимизнинг халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш борасида кўрсатаётган доимий ғамхўрлиги самарасидир.

Бозор ҳудуди кўкаламзорлаштирилиб, раста ва павильонлар атрофига 60 мингдан кўпроқ турли гул кўчатлари экилди. Омборхоналар, банк бўлимлари, маиший хизмат кўрсатиш масканлари харидорлар учун қулайлик бўлса, қандолатпазлар ва новвойлар учун ҳам алоҳида жойлар қурилгани бундай маҳсулотларни харидор кўз ўнгида тайёрлаш имконини бераётир.

– Чак-чак, нишолда ва турли-туман ҳолваларни тайёрлашимиз учун бизга барча шароит яратиб берилган, – дейди ЎзА мухбирига кўқонлик қандолатчи Элёр Ёқубов. – Олтита шогирдим кўмагида шу ерда ҳар куни 30 килограммлик қозонда нишолда пишириб, сотаяпмиз. Ҳолваларни мижозлар талабига кўра майизли, ёнғоқли, хурмоли қилиб тайёрлаб бераяпмиз.

Аҳоли турмуш тарзи, маданияти, урф-одатлари ҳақида холис тасаввур, аввало, бозорларда шаклланади. Юртимизда бундай масканларни янада обод қилиш, сотувчи ва харидорларга қулайлик яратиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. “Тошбозорсавдо” уюшмаси тизимида 12 деҳқон бозори, битта қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улгуржи бозори, 2 ихтисослаштирилган бозор, олтита савдо мажмуаси мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси босқичма-босқич замон талабларига мослаштирилаётир.

Сайёра ШОЕВА

Бугун бутун республикамиз бўйлаб энг улуғ, энг азиз айём — мустақиллигимизнинг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш учун қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Президентимизнинг 2016 йил 2 июндаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори асосида жойларда "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида турли байрам тадбирлари, маданий-маърифий кечалар, кўрик-танловлар ўтказилмоқда.



Маҳалла — ҳаётимиз кўзгуси

БИЛИМ ВА ТАЖРИБА ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Дин ишлари бўйича қўмита, "Камолот" ЁИҲ, Ички ишлар, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари, Соғлиқни сақлаш вазирликлари каби қатор ташкилотлар ҳамкорлигида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" кўрик-танлови ҳам юқори кўтаринкиликда ташкил этилди.

"Туркистон" санъат саройида бўлиб ўтган ушбу танловнинг Тошкент шаҳар босқичини кузатар эканмиз иштирокчи ва қатнашчилар, меҳмонлару маҳаллалар вакиллари юзидаги қувонч, шодлик, кўтаринки кайфият яқинлашиб келаётган энг азиз, энг улуғ байрам шукуҳини ўзида мужассам этгандек туюлди.

Маълумки, мамлакатимизда маҳалла институти фуқаролик жамиятининг муҳим бўғини сифатида ўзини тўлиқ намоён этиб келмоқда. Айниқса, ёшларни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш, жамиятда аҳиллик ва тотувликни таъминлаш борасидаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Обидов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида миллий анъана ва қадриятларимизни тиклаш, ёшларни соғлом ва теран тафаккурли инсонлар этиб камолга етказишда маҳаллаларнинг таъсири, ўрни ва аҳамиятини тобора кучайтириш масаласига доимий эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

Юртбошимизнинг Фармони асосида бундан 12 йил муқаддам фуқаролар йиғинларида ташкил этилган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар лавозимида бугунги кунда бой ҳаётий тажрибага эга, аҳолига, биринчи навбатда, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, миллий анъаналар ҳамда урф-одатларни ривожлантириш масалаларида ижобий таъсир ўтказа оладиган обрўли ҳамда фаол хотин-қизларнинг фаолият кўрсатаётганликлари ўз самарасини бермоқда.

Ёшларни тарбиялаш, касб-ҳунарга йўналтириш, уларнинг оила, жамият олдидаги масъулиятини ошириш, оила – маҳалла – таълим муассасаси ҳамкорлигини тобора мустаҳкамлаш, "Ота-оналар университети", "Ораста қизлар" каби тузилмалар фаолиятини тўғри ташкил этиш, тўйларни ихчам, камхарж ўтказишга оид тарғибот ишларини олиб боришда маслаҳатчилар муносиб ҳисса қўшмоқда. Эрта никоҳларнинг олдини олиш, ёш оилалардаги турли келишмовчиликларга ўз вақтида барҳам бериш, оналар ва болалар саломатлигини ҳимоялашда ҳам маслаҳатчиларнинг ўз ўрни бор.

— Маслаҳатчилар бугунги кунда фуқаролар йиғинларида ташкил этилган 8 та жамоатчилик комиссияларининг 4 тасида комиссия аъзоси сифатида ушбу жамоатчилик тузилмалари ишини самарали ташкил этишда фаол иштирок этиб килмоқдалар, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви бош мутахассиси Омила Арипова. — Танловни ташкил этишдан мақсад — маслаҳатчилар томонидан ўз зиммасидаги вазифалар ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишларни ўрганиш, уларни рағбатлантириш, муносиб тақдирлаш ҳамда бу борадаги илғор иш тажрибаларини кенг оммалаштиришдан иборат.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки жорий йилда кўрик-танлов низомига мувофиқ, шаҳримизнинг барча туманларида 25 апрелдан 10 майга қадар кўрик-танловнинг туман босқичлари ўтказилиб, уларда 466 нафар маҳалла маслаҳатчилари иштирок этдилар. Натижаларга кўра 1-ўринни қўлга киритган 11 нафар маслаҳатчилар танловнинг Тошкент шаҳар босқичида иштирок этиб 3 та шарт асосида ўзаро беллашдилар.

Танловнинг 1-шартига кўра диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг иш фаолияти бўйича ҳудудда амалга ошираётган ишлари, эришилган ютуқлари, намунали иш тажрибаларига оид тақдимоти намойиш этилди.

2-шартда маслаҳатчилар фаолиятида учраётган турли масалалар, муаммоларнинг ечимини топиш юзасидан иштирокчиларнинг билим савияси, дунёқараши савол-жавоб асосида баҳоланди. Жумладан, фуқаролар йиғинлари ва йиғин органларининг ишини самарали ташкил этиш, жамоатчилик назоратини таъминлаш, "Оила — маҳалла — таълим муассасаси" ҳамкорлигини ошириш кабилар бўйича билимлари синовдан ўтказилди.

Танловнинг 3-шартида маслаҳатчилар ўзларининг иқтидори, истеъдоди, кундалик ҳаётда, иш фаолиятида учраб турадиган турли муаммоли вазиятлардан чиқиб кета олишлари, ташкилотчилик ва ташаббускорлик қобилиятларини намоён этишлари учун имконият берилди.

— Фаолиятимиз самарадорлигини таъминлашда мазкур танловнинг таъсири беқиёс, — дейди Чилонзор туманидаги "Катта-хирмонтепа" маҳалласи диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Шарофат Абдиева. — Танлов орқали ўзаро бир биримизнинг тажрибаларимизни ўрганамиз, ўзаро фикр-мулоҳаза алмашамиз.

Ҳакамлар ҳайъати томонидан 1-ўринга лойиқ деб топилган Шайхонтоҳур тумани "Янги-белтепа" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Феруза Раҳматуллаева танловнинг республика босқичида иштирок этиш учун йўлланмани қўлга киритди.

Шунингдек, танловнинг барча шартларида юқори ўринларни қўлга киритган маслаҳатчилар махсус диплом ва "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг қимматбаҳо совғалари билан, номинациялар бўйича ғолиблар ҳамкор ташкилотларнинг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

— Ғолиблар сафида эканимдан жуда ҳаяжондаман, чунки барча иштирокчиларнинг юқори билим ва тажрибага эга эканлиги ушбу танловда яна бир бор ўз исботини топди, — дейди танлов ғолибаси Феруза Раҳматуллаева. — Биз ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни турли зарарли ғоялар таъсиридан асраш, Ватанимизга садоқатли инсонлар қилиб тарбиялашга астойдил интилишимиз ва буни асосий вазифаларимиздан бири деб билмоғимиз керак. Амалга оширган ишларимиз, эришган ютуқларимиз, тўплаган иш тажрибаларимиз ўз эътирофини топганидан жуда мамнунмиз.

Тадбир давомида фуқаролар йиғинлари фаолиятига оид кўргазмалар, шунингдек, ҳудудда фаолият юритаётган оилавий тадбиркорлар ва ҳунармандлар ишларининг кўргазмаси намойиш этилди.

Эл севган санъаткорларнинг чиқишлари танловга байрамона шукуҳ бағишлади.

Шоира МУҲАМЕДОВА

СУРАТДА: "Туркистон" санъат саройида бўлиб ўтган танловдан лавҳа.

СОҒЛОМ АВЛОД – КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Шайхонтоҳур туманидаги 43-оилавий поликлиникада "Соғлом авлод – буюк давлат бунёдкоридир" деб номланган тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан "2016 йил – Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида аҳоли, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, оилада тиббий маданиятни ошириш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини юксалтиришга алоҳида аҳамият қаратилаётгани таъкидланди.

Тадбирда шаҳар Саломатлик ва тиббий статистика институти ходимлари, Шайхонтоҳур туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиника шифокорлари ва бўлажак оналар иштирок этди.

– Мамлакатимиз тинчлиги ва барқарорлиги бевосита аҳолининг соғлигига боғлиқ, чунки айнан соғлом инсонлар ҳар томонлама баркамол жамиятни яратишга қодир, – дейди 43-оилавий поликлиника бош шифокори ўринбосари Зебо Муҳамеджонова. – Ёшлар ўртасида соғлом ва аҳил оила қуриш бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш, уларни маънавий баркамоллик сари чорлаш, тиббий кўрикнинг аҳамиятини тушунтириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Бу каби тадбирлар аҳолини ўз соғликларига эътибор билан қарашга даъват этиб, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, тадбирда Тошкент шаҳар Саломатлик ва тиббий статистика институти соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўлими услубчиси Ф.Назаров, шифокор Н.Турғунова тиббий кўрикнинг аҳамияти, оилада тиббий маданиятни ошириш, аҳоли ва ёшлар саломатлиги йўлида олиб борилаётган самарали ишлар борасида ўз фикрларини баён қилдилар.

Дарҳақиқат, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини тарғиб қилиш, жисмонан бақувват, руҳан тетик, интеллектуал ривожланган шахсни шакллантириш, уларнинг тиббий маданиятини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар негизида келажак авлоднинг бахтли ҳаёти мужассамдир.

Саломатлик ҳар бир инсон учун бебаҳо бойлик ҳисобланиб, у жамиятнинг ривожланиши учун энг муҳим шарт-шароитлардан биридир.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Анжуманлар

ЁШ МАЗМУНЛИ ЎТМОҚДА

Айни кунларда фарзандларимиз ёзги таътилни сўлим ва баҳаво дам олиш масканларида, соғломлаштириш оромгоҳларида ўтказишмоқда. Бу масканларда ташкил этилаётган турли маданий-маърифий тадбирлардан тортиб, спорт беллашувларию сайру саёҳатларгача барчаси болаларга яхши кайфият улашиш, уларнинг билимларини мустаҳкамлаш, дунёқарашини кенгайтириш, бошланажак ўқув йилини янги куч ва ғайрат билан бошлашлари учун етарли шарт-шароитларни яратишга қаратилган.

Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш мавсумининг дастлабки босқичи натижалари қандай? Ушбу мақсадда республикамизда амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар, бу борада сифат ва самарадорликни таъминлаш, жорий йилдаги янги лойиҳалар хусусида пойтахтимизда ташкил этилган матбуот анжуманида журналистларга маълумот берилди.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан оромгоҳларда болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш концепцияси талаблари асосида мавсумни намунали ва уюшқоқлик билан ўтказиш мувофиқлаштириб келинмоқда. Бу борада ҳудудларда ўқув-услубий семинарлар ташкил қилиниб, барча мутасадди ходим ва мутахассисларнинг билим ҳамда кўникмалари оширилди. Анжуманда келтирилган рақамлар ҳам ўғил ва қизларни соғломлаштириш ишлари кўлами ортиб бораётганидан далолат беради.

Айни пайтда мамлакатимизда 1200 дан ортиқ оромгоҳлар фаолият кўрсатаётган бўлиб, жорий йилда улар сони 55 тага кўпайди. Жумладан, кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳамда меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини имтиёзли дам олдиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаяпти.

— "Гўзал ва бетакроримсан муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида оромгоҳларда турли маданий-маърифий тадбирлар, танловлар, учрашувлар викториналар, давра суҳбатлари ташкил этилиб, уларга таниқли ёзувчиларимиз, шоирларимиз, Зулфия ҳамда "Ниҳол" мукофоти совриндорлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, таниқли санъаткорлар ва спортчилар кенг жалб этиб келинмоқда, — дейди Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси бўлим мудири Лола Холмўминова. — Мақсадимиз болажонларнинг ёзни ҳар томонлама кўнгилдагидек ўтказиб, соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишларини таъминлашга қаратилган.

Тадбирда, шунингдек, оромгоҳларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларга малакали кадрларни жалб этиш, сифатини ошириш, хавфсизликни таъминлаш, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ва доридармонлар етказиб бериш юзасидан мутасадди ходимларнинг фикр-мулоҳазалари тингланиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Қ.ЗОКИРОВ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ҳамкорлигида амалий мулоқот ўтказилди.

ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИ МУҲОФАЗАДА

Унда "Демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш, унинг рақобатбардошлигини оширишга оид қонун лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизаси" лойиҳаси доирасида Ўзбекистон Республикасининг "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Экотизимларнинг емирилишга мойиллиги, табиат объектларининг кўчсиз табиий қайта тикланиши ва такрор кўпайиши, инсон фаолиятининг салбий таъсири ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишнинг зарурлигини ва ўта муҳим аҳамиятга эга эканини кўрсатмоқда.

"Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"даги амалдаги қонун 1997 йилда қабул қилинган. Ўтган даврда соҳага оид 30 га яқин норматив-ҳуқуқий ва идоравий ҳужжатлар қабул қилинган. Янги таҳрирдаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда ушбу қонуности ҳужжатларидаги кўплаб нормалар ҳисобга олинган.

Янги таҳрирдаги қонунда ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишнинг аниқ йўллари, камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи ҳайвон турларини сақлаб қолиш бўйича асосий талаблар, ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш ва таъқиқлаш тартибини белгилаш, ҳайвонот дунёси объектларидан махсус фойдаланиш учун рухсатномалар бериш тартибини аниқлаштиришга қаратилган қатор таклифлар инобатга олинган. Қонун лойиҳаси 6 боб, 50 моддадан иборат бўлиб, амалдаги қонуннинг 21 моддасига ўзгартириш киритилиб, 13 модда таҳрир қилинган. 10 ҳаволаки модда олиб ташланиб, 14 янги модда киритилган.

Амалий мулоқот давомида экспертлар ва тадбир иштирокчилари томонидан қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришга доир фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдирилди.

(ЎзА)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Диққат! Диққат! Диққат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ бошланғич нарх босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари такроран қўйилади:

1. Тошкент шаҳар ҳокимлиги муассислигидаги, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, А.Қаххор кўчаси, 26-уй манзилида жойлашган "Landshaft Dizayn Markazi" давлат унитар корхонаси.

Бошланғич нархи – 72 668 300 сўм.

Балансда сақловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлиги.

Фаолияти ихтисоси: маъмурий бошқарув.

2. Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Авиашаҳарча, 75-уй манзилида жойлашган "O`rta Osiyo maxsus qurilish" давлат бирлашмаси.

Бошланғич нархи – 505 182 000 сўм.

Балансда сақловчи: "O`rta Osiyo maxsus qurilish" давлат бирлашмаси.

Фаолияти ихтисоси: Республика бўйича халқ хўжалиги объектларида бурғулаш, портлатиш ва махсус ишлар бажарувчи 1, 2, 4, 5 махсус механизациялашган кўчма жамланмаларнинг ишларини назорат ва мувофиқлаштириш.

Савдо ташкилотчиси: "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уй. Тел/факс (0-371) 228-84-48. веб-сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2016 йил 22 июль куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2016 йил 8, 23 август, 8, 23 сентябрь кунлари, соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечиқмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан савдо ташкилотчиси "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АИТБ "Ипак йўли" Сағбон филиали, ҳ/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (0-371) 228-84-48. Факс: (0-371) 228-80-23.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

2016 йил 6 июль куни мамлакатимизда Рамазон ҳайитининг кенг нишонланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси ҳайит намози вақтида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳрининг қуйидаги кўчаларида транспорт воситаларининг ҳаракати вақтинча чекланиши мумкинлигини маълум қилади:

- **Истиқлол кўчаси** — Фарғона йўли кўчасидан Тошкент ҳалқа автомобиль йўлигача бўлган қисмида;
- **Фидойилар кўчаси**;
- **Миришкор кўчаси** — Олтинтепа кўчасидан Газалкент кўчасигача бўлган қисмида;
- **Султония кўчаси** — Шўртепа кўчасидан Буюк Ипак йўли кўчасигача бўлган қисмида;
- **Мирзо Ғолиб кўчаси** — Фаробий кўчасидан Қамарнисо кўчасигача бўлган қисмида;
- **Уста Олим кўчаси** — Кичик ҳалқа автомобиль йўлидан Аҳмад Дониш кўчасигача бўлган қисмида;
- **Наққошлик кўчаси** — Бунёдкор шоҳ кўчасидан Дўмбиробод кўчасигача бўлган қисмида;
- **Чилонзор кўчаси** — Чўпонота кўчасидан Кичик ҳалқа автомобиль йўлигача бўлган қисмида;
- **Ал-Хоразмий кўчаси** — Катта Хирмонтепа кўчасидан Катта Қаҳни кўчасигача бўлган қисмида;
- **Камолон кўчаси** — Бунёдкор шоҳ кўчасидан "Хўжа Аъламбардор" масжидигача бўлган қисмида;
- **Кичик ҳалқа автомобиль йўли** — Кўргазма кўчасидан Шароф Рашидов шоҳ кўчасигача бўлган қисмида;
- **Қорасарой кўчаси** — Абдулла Қодирий кўчасидан Кичик ҳалқа автомобиль йўлигача бўлган қисмида;
- **Чимбой кўчаси** — Фаробий кўчасидан Кичик ҳалқа автомобиль йўлигача бўлган қисмида;
- **Сағбон кўчаси** — Фаробий кўчасидан Қўштут кўчасигача, Кичик ҳалқа автомобиль йўлидан Тарих кўчасигача бўлган қисмида;
- **Келес йўли кўчаси** — Узумбоғ кўчасидан Мевазор кўчасигача бўлган қисмида;
- **Назарбек кўчаси** — Учтепа кўчасидан Маҳорат кўчасигача бўлган қисмида;
- **Фаробий кўчаси** — Сағбон кўчасидан Пахта кўчасигача бўлган қисмида;
- **Уйғур кўчаси** — Қўрғонча кўчасидан Бешқайрағоч кўчасигача бўлган қисмида;
- **Темур Малик кўчаси** — Мирзо Улуғбек шоҳ кўчасидан Шўртепа кўчасигача бўлган қисмида;
- **Фарғона йўли кўчаси** — Фитрат кўчасидан Таллимаржон кўчасигача бўлган қисмида;
- **Бунёдкор шоҳ кўчасининг маҳаллий йўли** — Муқимий кўчасидан Байналмилал кўчасигача бўлган қисмида;
- **Боғишамол кўчаси** — Амир Темур шоҳ кўчасидан Бодомзор йўли кўчасигача бўлган қисмида.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси барча юртдошларимизни Рамазон ҳайити байрами билан муборакбод этган ҳолда ҳаракат иштирокчиларидан йўл ҳаракати қоидаларига риоя этишларини, ўзаро хушмуомалада бўлишларини ва ҳайдовчиларга ушбу кўчаларни айланиб ўтиш чораларини кўришларини тавсия этади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХ бош бошқармаси

(Газетанинг навбатдаги сони 8 июлда чиқади).

Спорт янгиликлари


Муҳаммад Амин олган сурат

СЕРМАЗМУН ЎЙИН КЎРСАТИШДИ

Ҳиндистонда футбол бўйича ўсмирлар ўртасида 15 сентябрь — 2 октябрь кунлари уюштириладиган қитъа чемпионатига тайёргарлик кўраётган 16 ёшли чарм тўп усталаридан таркиб топган Темур Олимхўжаев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоамиз ўқув-машғулот йиғини ўтказиш мақсадида Беларусь пойтахти Минск шаҳрига жўнаб кетган эди.

Минскда уюштирилган машғулот йиғини доирасида Темур Олимхўжаев шогирдлари Беларусь ўсмирлар терма жамоасига қарши 2 та назоратўртоқлик учрашувларида майдонга тушди.

Дастлабки учрашувда мезбонлар 2:1 ҳисобида зафар қучишди. Ўйин мунтазам ва қизиқарли кечди. Аммо айнан Беларусь ўсмирларига қарши уюштирилган иккинчи беллашувда Темур Олимхўжаев шогирдлари бор маҳоратларини ишга солиб, сермазмун ўйин намойиш этишди. Футболчиларимиздан Асад Собиржонов ва Абубакр Мўйдинов томонидан мезбонлар дарвозаси икки марта забт этилган бўлса, ўсмирларимиз ўз дарвозаларидан бир мартагина тўп олиб чиқишди ва якунда 2:1 ҳисобида ғалаба қозонишди.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Осиё чемпионатида КХДР, Таиланд, Яман терма жамоалари билан бир гуруҳдан ўрин эгаллаган. Қитъа биринчилигини ўсмирлар терма жамоамиз 17 сентябрда Таиланд терма жамоасига қарши ўйин билан бошлайди. Шунингдек, 20 сентябрда Яман, 23 сентябрда КХДР ўсмирлар терма жамоалари Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси билан куч синашади.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАН БОШЛАНАДИ

Таниқли ва машҳур ультрамарафончи — Дин Карнасис навбатдаги иштироки учун янги ҳудудларни белгилаб олди.

Карнасис айни дамда "Буюк Ипак йўли"да жойлашган шаҳарлар бўйлаб ўз юришларини давом эттирмоқда. Унинг янги йўналиши Тошкент – Бишкек – Олмаота шаҳарлари бўлади. Спортчи ушбу шаҳарлар оралиғидаги масофани 11 кун ичида босиб ўтишни ўз олдига мақсад қилиб олган.

Ушбу марафончи Америка Қўшма Штатларидаги 50 та штат бўйлаб 5 минг километр масофани 50 кун ичида босиб ўтгани билан донғи кетган. Карнасис бир йилда ўртача 160 минг километр йўлни бемалол босиб ўтишга эришиб келмоқда.

Ўзбекистонлик ФИФА ҳаками Анатолий Рубаков ортда қолган мавсумда "Дўстлик-AIN" – "Олмалиқ" ва "Ардус" – "Олмалиқ" жамоалари иштирокидаги ярим финал ва финал учрашувларини бошқариб борди.

МАҲОРАТЛИ ҲАКАМЛАР ҚАТОРИДА

Мазкур ўйинларни кузатиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Осиё Футбол Конфедерацияси инструкторларига ўзбекистонлик реферининг ҳаракатлари маъқул келди ва ҳамюртимизнинг маҳорати юқори баҳоланди.

Шунинг учун Анатолий Рубаков август ойининг 6-9 санасида Малайзияда бўлиб ўтадиган охирги босқичга таклиф этилди ва эндиликда у ОФКнинг энг сара ҳакамлари қаторига кириш учун сўнгги босқичдан ўтиши керак бўлади.

Агар футзал ҳакамимиз ана шу босқичдан ҳам муваффақиятли ўтишга эришса, ОФК ва ФИФА тасарруфидаги муҳим ўйинларни бошқариши мумкин.

БИРИНЧИ РАҚАМЛИ ТЕННИСЧИМИЗ ҒОЛИБ

Ўзбекистоннинг биринчи рақамли теннисчиси Денис Истомин Англиянинг Лондон шаҳридаги "Уимблдон-2016" халқаро турнирининг учинчи босқичига чиқди.

"Катта дубулға" туркумига кирувчи энг нуфузли тўрт турнирдан бири ҳисобланувчи Уимблдон мусобақасида дастлаб Жанубий Африка Республикасидан келган Кевин Андерсонни беш сет давомида мағлуб этган ҳамюртимиз, бу гал машҳур испаниялик Николас Альмагро билан куч синашди.

Денис Истомин испан теннисчиси учун ноқулай ҳамда енгилмас рақиб ҳисобланади. Николас жаҳон рейтингида Денисдан ҳар қанча юқоридан ўрин олган бўлишига қарамай, ҳозирги кунга қадар ўзбекистонлик теннисчига қарши ўтказилган беллашувларнинг барчасини бой берган.

Таъкидлаш жоиз, бу гал ҳам кичик анъана бузилмади. 111 дақиқа давом этган учрашувда Денис Истомин рақибини 6:4, 7:6, 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратди ва ўзаро ўйинлардаги умумий ҳисобни 6:0га етказди.

Денис Истомин учинчи босқичда бельгиялик Давид Гоффен билан рақобатлашади.

Жорий йилнинг 1 августидан Европада футболга жорий қилинаётган янги қоидалар кучга киради.

ЯНГИ ҚОИДАЛАРНИ ЎРГАНИШАДИ

Мамлакатимизда эса келгуси йилдан эътиборан олий ва биринчи лига вакиллари янги қоидалар асосида учрашувларда иштирок этадилар.

Яқинда "Пахтакор" марказий стадионида "Пахтакор" футболчилари иштирокида ўйин қоидалари бўйича сабоқ дарси ташкил этилди. ФИФА рефериси Владислав Цейтлин "Пахтакор" футболчиларига янги қоидалар бўйича маъруза қилди. Футболчиларни янги қоидаларга тайёрлаш мақсадида ташкил этилган дастлабки семинарда сўнгги умид фоли, ўйиндан ташқари ҳолатни аниқлаш, тўпни қўл билан ўйнаш ва бошқа ўзгаришлар хусусида футболчиларга маълумот берилди. Келгуси йили ўтказиладиган мамлакат XXVI миллий чемпионати олдидан ҳам "Пахтакор" жамоаси аъзолари учун ўйин қоидаларига бағишланган семинар ўтказиш режалаштирилди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ЁШ БОКСЧИМИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ

Россияда мезбон боксчи Дмитрий Антиповга қарши рингга кўтарилган ўзбекистонлик Шоҳжаҳон Эргашев жангининг 54-сониясидаёқ рақибини чуқур нокаутга учратишга эришди.

2015 йилда профессионал боксдаги фаолиятини бошлаган 17 ёшли Шоҳжаҳон Эргашев бешинчи жангида ҳам бешинчи нокаутга эришди. Энди ҳамюртимиз ўзининг навбатдаги беллашувини Финляндияда ўтказади. Иқтидорли боксчимизнинг бу сафарги рақиби 45 жангда рингга кўтарилган Иванс Левискис бўлади.

Шундай бўлса-да, Шоҳжаҳон ўзининг олтинчи жангига қизғин тайёргарликни ҳозирдан бошлаб юборди. Бу жангда ҳам ёш боксчимизга омад тилаб қоламиз.

Ботир ХЎЖАЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2016 йил 8 августда ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат объектларини сотиб олишга таклиф этади.

Мазкур объектларни сотиб олиш шартлари қуйидагича:

— энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;

— ушбу "Объектлар" учун энг юқори қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;

— янги ишчи ўринлари ташкил этиш;

— харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш (жадвалларда келтирилади).

Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:

— сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нархидан 15 % дан кам бўлмаган гаров суммаси;

— таклифлар ва керакли ҳужжатлар солинган ва муҳрланган конвертлар, икки нусхада.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шарти юклатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдосига 3 соат қолганда тўхтатилади.

Музокаралар 2016 йил 8 август куни соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-"А" уй манзилида ўтказилади. Ушбу куни савдолар бўлмаган тақдирда, 2016 йил 22 август, 5, 19 сентябрь, 3, 17, 31 октябрь, 14, 28 ноябрь кунлари соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-"А" уй манзилида ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 233-22-83, 233-74-72.

Оммавий оферта савдоларига чиқарилган давлат кўчмас мулк объектлари рўйхати

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда сақловчи	ПҚ/ВМҚ	Савдога чиқарилган нархи (сўмда)	Инвестиция мажбурияти (млн.сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	Профилактарий ва қоровулхона бино-иншооти	1778	Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Янги Олмазор кўчаси, 51-уй	"ONIKS" АЖ	04.04.2013 № 83	2 744 107 700	— энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; — қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; — янги иш ўринларини ташкил этиш; — харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш (кўпи билан 1 йил муддат ичида)	
2	"Ошхона" бино ва иншооти	3420	Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Янги Олмазор кўчаси, 51-уй	"ONIKS" АЖ	04.04.2013 № 83	3 005 796 996		
3	"Марҳамат" кафеси бино-иншооти	422	Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Янги Олмазор кўчаси, 51-уй	"ONIKS" АЖ	04.04.2013 № 83	353 440 291		
4	"Хрустал" кафеси бино-иншооти	168	Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Янги Олмазор кўчаси, 51-уй	"ONIKS" АЖ	04.04.2013 № 83	141 870 661		

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда сақловчи	ПҚ/ВМҚ	Савдога чиқарилган нархи (сўмда)	Инвестиция мажбурияти (млн.сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	Кўп қаватли турар жой биносининг қисми	53	Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 3-уй	Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти	02.03.2015 № 39	202 045 811	— энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; — қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; — янги иш ўринларини ташкил этиш; — харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш (кўпи билан 1 йил муддат ичида)	
2	Маъмурий бино-иншоот	1459	Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Жомий кўчаси, 5-уй	Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти	02.03.2015 № 39	2 650 333 962		

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда сақловчи	ПҚ/ВМҚ	Савдога чиқарилган нархи (сўмда)	Инвестиция мажбурияти (млн.сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	2 қаватли савдо дўкони бино-иншооти	2219	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Ибн Сино мавзеси, 2-уй	Бинолардан фойдаланиш департаменти	10.05.2013 № 273-ф	2 846 746 221	— энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; — қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; — янги иш ўринларини ташкил этиш; — харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш (кўпи билан 1 йил муддат ичида)	
2	Қурилиши тугалланмаган собиқ мактабгача таълим муассасаси бино-иншоотлари	1851	Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, "Сувчи" даҳаси, Роҳат кўчаси, "Истиқбол" маҳалласи	Тошкент шаҳар Бектемир тумани ҳокимлиги "Бектемир-Инвест" ДУК	28.04.2015 ПП-2340	1 021 200 000		

ЎЗ-ЎЗИНГ ЎРГАНИБ ДОНО БЎЛГУР

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Ҳалоллик ҳар қандай мартабани безайди.

* * *

Ота-онага нисбатан ҳурмат ва муҳаббат, ҳеч шубҳасиз, муқаддас туйғудир.

* * *

Кексаларни ҳурмат қил, бир куни вақти келиб ўзинг ҳам шундай қартаясан.

Байт:

Ёшмисан, кексани сен ҳурмат айла,
Ўзинг ҳам қарийсан, ҳозирдан ўйла.
Кексага кўмак бер — суянган тоғинг,
Буни тушунарсан қариган чоғинг.

* * *

Ҳалол яшаганингни сезиб юрсанг, ҳаёт нашъали ва ширин туюлади.

* * *

Ота-онага муҳаббат — барча яхши фазилатларнинг асоси.

Байт:

Бошни фидо айла ато қошиға,
Жисмни қил садқа ано бошиға.

* * *

Яхши қариялар бор жойда одобли ёшлар етишиб чиқади, улар йўлчи юлдуздек нур сочиб турадилар.

* * *

Кексалик донолик билан уйғунлашиб кетса, азим дарё бўлиб элга хизмат қилади.

* * *

Отадаги фазилат унинг фарзандини элга машҳур эта олмайди, боладаги фазилат эса отага шуҳрат келтиради.

* * *

Ҳалол одам бировнинг ҳақига хиёнат қилмайди.

* * *

Тўғри йўлда юрган одам номусли, матонатли, берган ваъдасида қаттиқ турувчи бўлади, ҳеч кимни алдамайди, тўғриликдан ажралмайди, тўғриликнинг энг улуғ фазилат эканини билади.

* * *

Бир умрга бахтли бўлишни истасанг, ҳалол одам бўл.

* * *

Суқрот Ҳаким айтади:

— Ҳалол меҳнат, муҳтожларга ёрдам, ғазаб вақтида ёмон сўзлардан тилни, бировни ранжитишдан қўлни тийиш, камчиликни битириб, ёмон хулқ-атворни тузатиб, гўзал ахлоқ эгаси бўлиш — энг зўр фазилатдир.

* * *

Инсонлардаги ажойиб хулқлардан бири тўғриликдир. Тўғрилик одамдаги ҳамма ишларнинг тартиб ва бир маромда кетишини таъминлайди.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **6 июль** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 18-20, кундузи — 33-35 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **6 июль** эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 755

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5414 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди: 16.00

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ